

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**440** Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини янада ривожлантириш, аҳоли пунктлари ва қишлоқлараро ҳудудларнинг архитектуравий-бадий қиёфасини яхшилаш, ландшафт дизайни мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги 386–ф-сон фармойиши билан тузилган Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш дастурини тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳга қуйидагилар юклансин:

тегишли вазирликлар ва идораларнинг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Дастурни белгиланган муддатларда сифатли бажариш бўйича фаолияти юзасидан тизимли мониторингни амалга ошириш; хар чорак якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига Дастурни бажариш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот киритиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 13 август,  
223-сон

## Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш ДАСТУРИ

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Муддат-лари	Маблағлар ҳажмлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
<b>I. Ташкилий тадбирлар</b>						
1.1.	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармасининг, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар ободонлаштириш бошқармаларининг ландшафт дизайни гуруҳларини малакали кадрлар билан таъминлаш.	Тегишли ободонлаштириш бошқармаларининг буйруқлари	2013 йил III чорак	-	-	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
1.2.	Лойиҳалаш ташкилотларини олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларини «ландшафт дизайни» мутахассислиги бўйича тамомлаган ландшафт дизайни мутахассислари билан таъминлаш.	Лойиҳалаш ташкилотлари ва бошқа тегишли ташкилотларнинг буйруқлари	2013 йил IV чорак	-	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ташкилотлар маблағлари	«Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
1.3.	2014 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармасининг, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар ободонлаштириш бошқармаларининг ландшафт дизайни гуруҳлари таъминотига, шунингдек ландшафт дизайнини ривожлантириш учун зарур техника, асбоб-ускуналар ва материаллар сотиб олишга зарур маблағлар киритиш.	2014 йил ва келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари лойиҳаси	2013 йил III чорак  Ҳар йили	2013 йил учун 411,0 млн сўм  Ҳисоб-китоблар ва буюртманомалар бўйича	Ободонлаштириш мақсадлари учун назарда тутилган маблағлар доирасида	Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>II. Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш</b>						
2.1.	Тошкент архитектура-қурилиш институти (кейинги ўринларда ТАҚИ деб аталади) ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти (кейинги ўринларда СДАҚИ деб аталади)нинг мавжуд кафедралари негизда «Ландшафт дизайни ва интерьерни» кафедраларини ташкил этиш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи	2013 йил IV чорак			Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар
2.2.	ТАҚИ ҳузурдаги қурилиш соҳасида Менежерлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази негизда Архитекторлар, дизайнерлар, қурувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази ташкил этиш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи	2013 йил IV чорак			Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Муддат-лари	Маблағлар ҳажмлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
2.3.	Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига «Ландшафт дизайни» ва «Интерьер дизайни» йўналишлари киритилишини назарда tutuvchi ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори	2013 йил октябрь	-	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги
2.4.	«Ландшафт дизайни» ва «Интерьер дизайни» таълим йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи	2014 йил I чорак	-	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги
2.5.	«Ландшафт дизайни» ва «Интерьер дизайни» йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашга бўлган эҳтиёжни аниқлаш.	Таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш	2013 йил декабрь	-	-	Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, ТАҚИ, СамДАҚИ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
2.6.	«Ландшафт дизайни» ва «Интерьер дизайни» йўналишлари бўйича ТАҚИ ва СамДАҚИ бакалаврият ва магистратурасига 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб қабул қилиш квоталари ажратиш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси протоколи	2014 йил II чорак	-	-	Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, ТАҚИ, СамДАҚИ
2.7.	ТАҚИ ва СамДАҚИ бакалаврият ва магистратурасига янгидан ташкил этилган «Ландшафт дизайни» ва «Интерьер дизайни» йўналишлари бўйича талабалар қабул қилиш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори				Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТАҚИ, СамДАҚИ
2.8.	ТАҚИ ва СамДАҚИ негизларида ландшафт дизайни бўйича макет ва керамика устахоналари, шунингдек технопарклар ташкил этиш, уларни қуриш учун 1,0 гектар қўшимча ер участкаси ажратиш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи, Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилояти ҳокимларининг қарорлари	2014 йил II чорак	ТАҚИ ва СамДАҚИ ҳисоб-китоблари ва буюртманомалари бўйича	Олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари, грантлар ва ҳомийлар маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси
2.9.	ТАҚИ ва СамДАҚИда таълим жараёнига архитектура дендрологияси ва ландшафт дизайни соҳаси бўйича амалиётчи мутахассисларни, шу жумладан хорижий мамлакатлардан соатбай меҳнат ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи	2014 йил	-	Олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2.10.	Ижодий танловлардаги иштирокчини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчиларнинг рейтинг назорати тизimini такомиллаштириш.	Қўшма қарор	Ҳар йили	-	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Муддат-лари	Маблағлар ҳажмлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
<b>III. Илғор тажрибани ўрганиш</b>						
3.1.	Тошкент шаҳридаги объектлар (Абдулла Қодирий номидаги, «Болажон» ва «Локомотив» (собик «Зафар Диёр» боғлари) негизда ландшафт дизайни мутахассислари, ҳудудий архитектура органлари ходимлари, олий таълим муассасаларининг талабалари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун семинарлар ўтказиш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази буйруғи, Тошкент шаҳар ҳокими қарори	2013 йил IV чорак	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳисоб-китоблари ва буюртма-номалари бўйича	Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари, грант маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
3.2.	Ландшафт дизайни мутахассисларининг Англияда ва бошқа хорижий мамлакатларда ўқишини, шунингдек ТАҚИ ва СамДАҚИ талабаларининг архитектура ва ландшафт дизайни бўйича сайёр танишиш амалиётларини ташкил этиш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва лойиҳалаш ташкилотларининг буйруқлари	2013 йил IV чорак	«Давархитектқурилиш» қўмитаси, лойиҳалаш ташкилотлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳисоб-китоблари ва буюртма-номалари бўйича	Ажратилган маблағлар, грант ва ҳомийлар маблағлари доирасида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
3.3.	Тажриба алмашиш учун ландшафт дизайнининг хорижий мутахассисларини Ўзбекистон Республикасига таклиф этиш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш	2014 йил IV чорак	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳисоб-китоблари ва буюртма-номалари бўйича	Ажратилган маблағлар доирасида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги
<b>IV. Ландшафт муҳитини архитектуравий-бадий жиҳатдан ташкил этиш ютуқларини оммалаштириш</b>						
4.1.	Республика ва вилоятлар телеканалларида ландшафт дизайнига бағишланган кўрсатувлар туркумини ташкил этиш.	Тадбирлар режаси	2013-2014 йиллар	Миллий телерадиокомпаниянинг ҳисоб-китоблари ва буюртма-номалари бўйича	Ажратилган маблағлар доирасида	Манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
4.2.	Ихтисослаштирилган ташкилотлар, олий таълим муассасаларининг мутахассислари ва талабалари, касб-хунар коллежларининг ўқувчилари ўртасида туман, вилоят ва республика даражасида ландшафт дизайни бўйича маҳорат дарслари, ишларнинг мавзули кўргазмалари ва танловларини ташкил этиш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буйруқлари ва қарорлари	2013-2014 йиллар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳисоб-китоблари ва буюртма-номалари бўйича	Ажратилган маблағлар доирасида, олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
<b>V. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш</b>						
5.1.	Дарахтлар, буталар, гуллар ва бошқа ўсимликлар бўйича умумий дендрология каталогини ишлаб чиқиш.	Каталог	2014 йил I чорак	Бажарувчилар ҳисоб-китоблари ва буюртма-номалари бўйича	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ҳомийлар маблағлари	«Давархитектқурилиш» қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Муддат-лари	Маблағлар ҳажмлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
5.2.	Ландшафт дизайни объектларини лойиҳалаш ва барпо этиш ишлари қийматини аниқлаш бўйича норматив ҳужжатни ишлаб чиқиш.	«Давархитектқурилиш» қўмитаси норматив ҳужжатини ишлаб чиқишнинг манзилли рўйхати	2014 йил июль	«Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳисоб-китоблари ва буюртманомалари бўйича	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	«Давархитектқурилиш» қўмитаси

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 13 августдаги 223-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ободонлаштириш ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 1 апрелдаги 91-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 24-модда):

«Лавозим номи» устунда:

«Бош иқтисодчи, бош агроном, бош механик» сўзлари «Бош иқтисодчи, бош агроном, бош механик, ландшафт бўйича дизайнер» сўзлари билан алмаштирилсин;


«Етакчи мутахассислар: муҳандис (барча мутахассисликлар бўйича), агроном, иқтисодчи, бухгалтер, механик» сўзлари «Етакчи мутахассислар: муҳандис (барча мутахассисликлар бўйича), агроном, иқтисодчи, бухгалтер, механик, ландшафт бўйича бош муҳандис, вертикал режалаштириш ва йўл қопламалари бўйича лойиҳаловчи, дендролог, ишлаб чиқувчи дизайнер, лойиҳаловчи электрик, сув таъминоти бўйича лойиҳаловчи» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 11 ноябрдаги 251-сон қарорида:

а) 4-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 11 ноябрдаги 251-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармаси аппарати  
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 55 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 40 киши ва муҳандис-техник ходимлар — 6 киши.»

б) 5-иловадаги «Лавозим ва касблар номи» устунида:

5-бандга «ландшафт бўйича бош дизайнер (гуруҳ бошлиғи)» сўзлари қўшилсин;

8-бандга «ландшафт бўйича бош муҳандис, вертикал режалаштириш ва йўл қопламалари бўйича лойиҳаловчи, дендролог, ишлаб чиқувчи дизайнер, лойиҳаловчи электрик, сув таъминоти бўйича лойиҳаловчи» сўзлари қўшилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 10 январдаги 4-сон қарорига 2-илова қўйидаги тахрирда баён қилинсин (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 1-сон, 2-модда):



**Нукус шаҳар ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар  
ободонлаштириш бошқармаларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган сони:

бошқарув ходимлари (БХ) — 13,5 киши;

\* муҳандис-техник ходимлар (МТХ): шаҳарларда — Андижонда — 15 киши, Бухорода — 17 киши, Қаршида — 13 киши, Навоийда — 10 киши, Наманганда — 17 киши, Нукусда — 12 киши, Самарқандда — 17 киши, Фарғонада — 17 киши; Гулистон, Жиззах, Термиз ва Урганч шаҳарларида — 10 кишидан;

ёрдამчи ходимлар — 7 киши.

Изоҳ: ишлаб чиқариш ходимлари сони базариладиган ишлар ҳажмига кўра белгиланади.»